

Саудия Арабистони ҳаж мавсумида зиёратчилар учун махсус соябонлар тақдим этди



19:17 / 21 май 644

Саудия Арабистони ҳукуматининг Ҳаж ва Умра вазирлиги зиёратчилар учун ультрабинафша нурларидан ҳимоя қилувчи махсус соябонларни тақдим этди.

2024 йилги ҳаж мавсумида ҳарорат ҳаддан ташқари иссиқ бўлиши кутилаётганлиги сабаб, ультрабинафша нурларидан ҳимояловчи махсус соябонлар зиёратчиларга ҳаж ибодатини бажаришлари давомида ёрдам беради.

- Соябонлар зиёратчиларни зарарли қуёш нуридан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган;
- Махсус соябонлар чўнтакда бемалол олиб юриш учун қулай қилинган ва ўзига хос дизайнга эга.

Зиёратчилар ушбу соябонларни ҳаво ҳарорати кўтарилганда ҳаж йўлларидаги йиғиш пунктларидан олишлари мумкин.